

IMPROVING INVESTMENT SERVICES IN THE DIGITAL ECONOMY

Rakhmatov B. B.

SamSU, Ph.D., Associate Professor

Butaboeva Munavvar Bakhtiyorovna

SamSU, 1st year master

Shomirzaev Shohrukh Mahmudovich

1st year master

Annotation

The article examines the main areas of investment of the national economy based on the establishment of a free economic zone and small industrial zone, the definition of the free economic zone and small industrial zones, theoretical issues of regional organization.

Key words: FEZ, SIZ investment project population, social tourism, business plan, project risk

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, иқтисодий ўсишни юксалтириш асосида бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этиш нафақат ҳудудий балки мамалакат миқоёсидаги долзарб муаммолардан биридир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 - йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида. “**иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур.**” [1] – деб кўрсатган эди Хорижий инвестицияларни жалб этишни ижобий ҳал этишда, неча ўн йиллардан буён чет элларда муваффақиятли амал қилиб келаётган эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ)ларни ҳудудларда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам ЭИЗ ташкил этишни назарий ва амалий масалаларини, бу борада эришилган тажрибаларни, унинг ижобий ва салбий томонларини кенг ўрганиш ва талқин этиш, ҳудудни самарали ташкил этиш ҳамда, фаолият юритишига катта ҳисса қўшиши мумкин.

ЭИЗ ларнинг 20 дан ортиқ таърифи мавжуд бўлиб, биринчи марта (1973 й.) Киото конвенциясининг VIII – иловасида “франклар зонаси” сифатида талқин этилган. Аммо

ЭИЗ ларни ташкил этиш тарихи XVI асрдан, Ливорно шаҳри биринчи эркин савдо шаҳри деб эълон қилинган вақтдан бошланади. Кейинчалик бу ғоя шарқий Ўрта ер денгизи давлатларида кенг оммалашган.

Илмий-техника зоналари(ИТЗ) - йирик илмий тадқиқот марказлари ёки университет теварагида жипслашган илмталаб фирмалар шаклида, барча моддий ва меҳнат ресурсларини, янги, юксак технологияларни саноатга тезроқ жорий этиш мақсадида барпо этилади [2].

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тизимида ЭИЗ ва КСЗни бевосита юридик тартибга солувчи махсус қонунлари мавжуд эмаслиги сабабали ҳозирда уларнинг фаолияти айрим Қонуности ҳужжатлари билан мувофиқлаштирилади.

(ЭИЗ) ва (КСЗ) таърифи

Эркин иқтисодий зона(ЭИЗ)	Кичик саноат зонаси(КСЗ)
“-бу минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир(5)	-бу маълум ер участкасини, алоҳида ҳолларда эса муҳандислик-техника коммуникациялари билан таъминланган ишлаб чиқариш майдонларини ўз ичига олган ҳудуддир(3)


Даставвал Навоий вилояти ҳудудида, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва халқаро талаб даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун тўғридан -тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ) ташкил этилган эди. Ҳозирда, Ўзбекистонда 24 та ЭИЗ ташкил этилган.

Ишлаб чиқарувчилар ва инвесторларга яратилаётган имтиёзлар ва преференциялар ҳисобига (КСЗ)ларда инвестицион лойҳаларни амалга ошириш ва янги иш уринларини яратиш борасида муйян натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистонда КСЗлар ва амалга жорий этилган инвестицион лойиҳалар ҳолати хақида маълумот

2017й.

2018й.



Жадвал маълумотларига биноан 2017 йилда ҳудудлар бўйича жами 82та КСЗлар ташкил этилиб, 266,7 млрд.сумлик ва 150 минг АҚШ долларилек 528 та лойиҳа бўйича инвестицион маблағлар ўзлаштирилган бўлса 2018 йилда 459та КСЗлар ташкил этилиб 1982 млрд сўмлик ва 126,0 млн. АҚШ долларилек инвестицион маблағлар ўзлаштирилган. Натижада яратилган иш ўринлари сони 2017 йилда 9859тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда 19425 тага кўпайиб, Ўзбекистонда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатган.

Хулоса урнида айтиш мумкинки, миллий ишлаб чиқарувчи субъектлар иқтисодий фаолиятига инвестицияларни кенгроқ жалб этиш учун қуйдаги таклифларни берамиз.

Биринчидан, пухта ишлаб чиқилган ва истиқболда инвесторга ҳам корхонага ҳам фойда келтирадиган бизнес-режага эга бўлишлари лозим.

Иккинчидан, инвесторлар ишончини қозониш учун корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича иқтисодий рейтинги юқори бўлиши зарур.

Учинчидан, улар шаффоф ва очиқ фаолият юритишлари учун корхонанинг молия-хўжалик фаолияти ҳужжатлари бўйича якуний натижалари электрон ва оммавий ахборот воситаларида очиқ эълон қилиниши зарур.

Тўртинчидан, имкон қадар инвестицион рискни камайтиришга оид чор-тадбирларни амалга ошириш зарур

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал–иқтисодий зона (ЭИИЗ) ташкил этиш тўғрисида” 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059 сонли Фармони

3. Вазирлар Маҳкамасининг 31-декабр 2014 йилдаги 378-сонли “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги низоми
4. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар» тўғрисидаги қонуни, 2006 йил 25 апрел
5. Вазирлар Маҳкамасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 2018 йил 16 - январдаги қарори